

ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари”га 3-сонли ЎЗГАРТИРИШ

ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари”да:

1) 1.1 – 1.3 бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.1 Ушбу қоидалар умумий фойдаланишдаги ва хўжалик автомобиль йўллари қуришда, мавжудларини реконструкция қилишда ва капитал таъмирлашда қўлланилади, бундан корхоналарнинг вақтинчалик йўллари ва синов йўллари мустасно.

1.2 Автомобиль йўллари қуришда, реконструкция қилишда ва капитал таъмирлашда, ушбу қоидалардан ташқари, лойиҳада тасдиқланган ШНҚ 2.05.02 нинг 3 қисмидаги ва ҚМҚ 2.05.11 нинг 7 қисмидаги талабларга риоя қилиш, шунингдек хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрий ҳужжатларининг талабларини бажариш зарур.

1.3 Автомобиль йўллари қуришда, реконструкция қилишда ва капитал таъмирлашда атроф-муҳит муҳофазасини сақлаш чора-тадбирларини кўриш, технологик ечимларни қабул қилишда атроф-муҳитга зарар етказмасликни ва иш жараёнини бажаришда табиат мувозанат балансини сақлаш, уни бузилиши эса экологик ва геологик шароитларнинг ўзгаришига таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим”;

2) 2.2 – 2.3 бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.2 Хўжалик автомобиль йўллари қуришда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда ишлаб чиқариш услубларини, механизмларни ва қурилиш материалларини шундай танлаш лозимки, унда ишлаб турган коммуникацияларни сақлаш ва янги коммуникациялар, бинолар ва қурилмаларни қуриш имкони бўлса, агар ишлаб чиқариш ишлари фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳовлисида бажарилаётган бўлса, корхонанинг тўхтовсиз нормаль ишлашини таъминланиши керак бўлади.

2.3 Автомобиль йўллари қуришда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда махсус йўл машиналари ва жихозларидан, кўчма таъмирлаш устахоналаридан, зарур бўлган транспорт ва алоқа жихозларидан, шунингдек қурувчилар учун кўчма ва енгил кўча оладиган вақтинчалик қурилмаларидан, омборларидан, устахоналаридан ва хоказоларидан фойдаланиш зарур”;

3) 2.7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.7. Автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун ташкилий-техник тайёргарлик кўриш тадбирлари, бундан ташқари атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир участка учун

лойихада кўрсатилган кетма-кетликни ва қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида бажарилишини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим”;

4) 2.7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.10 Автомобиль йўлларини қуришда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда ҳар-хил ишларни бажараоладиган механизмларни, ҳар хил вариантларини техник-иқтисодий солиштириш асосида тавсия этиш ва комплекс механизациялаш асосида танлаш лозим”;

5) 3.2 – 3.3 бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.2 Геодезик тақсимлаш ишлари асосида қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун, қоидага биноан, буюртмачи имкон яратиши ва 10 кундан кам бўлмаган муддат ичида қурилиш-монтаж ишлари бошланмасдан олдин пудратчига тегишли техник ҳужжатларни ва қурилиш майдони билан боғланган пунктлар ва белгиларни топшириши керак. Геодезия ишларнинг ҳажми ва таркиби, ҳамда қуришда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда геодезик иш жараёнларини бажаришдаги ҳақиқий (фарқлар) ўзгаришлар ҚМҚ 3.01.03 талабларига жавоб бериши керак. Трассани тиклашдаги расмийлаштириш ва йўл минтақасига боғлаш йўлнинг ҳар икки томонига устунчалар ўрнатиш билан амалга оширилади.

3.3 Қурилаётган йўл тўшамаси такомиллашган: капиталъ ва енгил, ўтувчи ва қуйи турдаги қопламадан иборат бўлганда, йўл кўтармасининг баландлиги ер сатҳидан 1,5 m дан кам бўлмаса, унинг остида баландлиги 10 см дан юқори бўлмаган тўнкаларни қолдиришга рухсат этилади”;

6) 2.7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.7 Автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари тугагандан сўнг, вақтинча фойдаланишга ажратилган барча ер майдонлари лойиха талабларига мос равишда қайта ишланиши ва фойдаланувчиларга топширилиши зарур”;

7) 4.14-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.14 Ўймаларни қазиб олиш ва кўтармаларни кўтариш ишлари тоғ ён бағирларининг нишаблиги 1:3 юқори бўлганда ёки сурилувчи қояларда қурилиш ишлари фақат лойихада кўрсатилган, қояларни устиворлиги бўйича олиб борилган мониторинг асосида тегишли ҳимоя қурилмалари қурилгандан сўнг рухсат этилади”;

8) 4.66-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.66 Йўл пойи юзасининг равонлиги кўндаланг кесимни ўқи ва икки четидаги уч нуқтада камида ҳар 50 m масофада назорат қилинади. Йўл пойининг асоси ва оралиғидаги кўтарма қатламлари юзасида қурилиш пайтида сув тўпланиб қоладиган майда чуқурчалар бўлмаслиги керак”;

9) 7.9-банднинг биринчи хатбошидаги “РСТ Уз 25607” сўзлири “ГОСТ 25607” сўзлари билан алмаштирилсин;

10) 7.35-банднинг иккинчи хатбошидаги “РСТ Уз 23558” сўзлари “ГОСТ 23558” сўзлари билан алмаштирилсин;

11) 8.24-банднинг иккинчи хатбошидаги “РСТ Уз 23558” сўзлари “ГОСТ 23558” сўзлари билан алмаштирилсин;

12) 9.125-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.125 Қоплама ва асосларни қуришда, реконструкция қилишда ва мукамал тамирлашда қўлланиладиган тош ва боғловчи материалларнинг сифатини, қоришма ва қора чақик тошни тайёрлаш жараёнини, қоплама ва асосларни ётқизиш технологик жараёнларининг сифатини назорат этиш”;

13) 9.142-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.142 Асос ва қопламаларни ускуналарда аралаштирилган қора чақик тошдан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал тамирлаш жараёнида уни ётқизиладиган вақтидаги ҳарорати, чақик тошнинг меъёрий сарфи, қоплама (асос)нинг қалинлиги, зичланиш сифати, раволиги ва қўндаланг нишабликлари назорат қилинади”;

14) “Асфальтобетон қопламалар ва асослар қуриш” бўлими қўйидаги таҳрирдаги 10.18-1 банди билан тўлдирилсин:

“10.18-1 Асфальтобетон қоришмасини ётқизишдан олдин тақсимлаш ишларини бажариш зарур, бунда қопламанинг лойиҳавий кенглиги ва қўндаланг нишабликлари, ҳамда қоплама четининг бир тўғри чизиқда бўлишлигини таъминлаш нивелир ёки визирка ёрдамида амалга оширилади, ҳамда тегишли рангли белгилар бордюр тошларига қўйилади ёки бошқа услар билан белгиланади”;

15) 10.26-банди чиқариб ташлансин;

16) 10.52-бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.52 Мавжуд автомобиль йўллари реконструкция қилишда ва мукамал тамирлашда бажариладиган барча ишлар кетма-кетлиги қурилишдагидек амалга оширилади”;

17) 10.92-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тайёр асфальтобетон қопламалари қўйидаги талабларни қондириши лозим: қоплама раво бўлиши керак; раволикнинг чекланган меъёрлари 10.7-жадвалда келтирилган ва халқора кўрсаткич IRI бўйича маълумотлар 10.7а-жадвалида келтирилган”;

18) Қуйидаги матндаги 10.7а жадвали билан тўлдирилсин:

10.7а-жадвал

Автомобиль йўлининг маъмурий аҳамиятига ва қулай ҳаракат қилишни таъминлаш шартига кўра халқора IRI кўрсаткичи асосида раволикни баҳолаш бўйича қўйилган талаблар

К/к №	Йўлнинг аҳамияти	Йўлнинг тоифаси	Қопламани турлари	Раволикни ҳар хил баҳолаш асосида, унинг халқора IRI индекси бўйича қийматлари, (m/km)				
				Аъло	Жуда яхши	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
1	Халқаро	I (Ia и Ib)	Иссиқ асфальтобетон	2,1 гача	2,1 - 2,5	2,5 - 3,1	3,1 - 3,9	3,9 дан катта
			Цементобетон					
2	Давлат	II	Иссиқ асфальтобетон	2,8 гача	2,8 - 3,3	3,3 - 4,0	4,0 - 4,9	4,9 дан катта
			Цементобетон					
		III	Иссиқ асфальтобетон	3,2 гача	3,2 – 3,8	3,8 - 4,7	4,7 - 5,8	5,8 дан катта
			Совуқ асфальтобетон	3,5 гача	3,5 - 4,2	4,2 – 5,1	5,1 - 6,2	6,2 дан катта
3	Маҳаллий	IV	Совуқ асфальтобетон	4,4 гача	4,4 – 4,9	4,9 – 5,6	5,6 - 6,5	6,5 дан катта
			Қора чақик тош	4,7 гача	4,7 – 5,3	5,3 - 6,1	6,1 - 7,2	7,2 дан катта
			Боғловчилар билан ишлов берилган тош материаллари					
		V	Қора чақик тош	6,1 гача	6,1 – 7,1	7,1 - 8,5	8,5 - 10,1	10,1 дан катта
			Боғловчилар билан ишлов берилган тош материаллари					
			Чақилган тош ёки тош материаллар	6,5 гача	6,5 – 7,6	7,6 - 8,9	8,9 - 10,6	10,6 дан катта

”;

19) 11.50-бандининг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“Мастикани ортиқча қисмини олиб ташлаб, уни қайта қиздириб чокка қуйиш учун ишлатиш мумкин”;

20) 11.55-бандининг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“юмшаш ҳарорати 100°C дан кам бўлмаган резина битумли мастика билан чок тўлдирилади”;

21) 11.56-бандда “ШНК 3.06.03-08” сўзлари чиқариб ташлансин;

22) 12.1-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“Ҳаракат тасмаси учта ва ундан кўп бўлганда, бетон ётқизишдаги тасмаларнинг кенглиги лойиҳа ҳужжатлари асосида аниқланади, бунда бетон ётқизгич техникасининг имконияти ва қурилишни ташкил этувчи лойиҳа асосида ётқизилади”;

23) 12.2 – 12.5 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“12.2 Асос ва қопламаларга бетон ётқизиш ишлари ҳарорати 30°C дан юқори, кун давомида ҳаво ҳароратининг фарқи 12°C дан ошса ва ҳавонинг нисбий намлиги 50% кам бўлганда, кечқурин, тунги ва тонги вақтларда бажарилиши лозим”.

12.3 Ҳавонинг суткалик ўртача ҳарорати турғун бўлиб 5°C дан паст ва сутканинг энг паст ҳарорати 0°C бўлган вақтда, асос ва қопламаларга бетон ётқизишни амалга ошириш, қурилишни ташкил этишда кўрсатилган ва ишни ташкил этиш лойиҳаси талабларга асосан бажарилади.

12.4 Сирпанувчи қолипли бетон ётқизувчи машиналар бир қатламли қопламаларни қуришда қўлланилади, икки қатламли бетон қопламалар бир вақтда ётқазиладиган бўлса, улар оралиғидаги вақт 1 соатдан ошмаслиги лозим.

12.5 Қопламаларга ётқизилаши белгиланган бетон қоришмалари ГОСТ 7473 талабларига жавоб бериш лозим”;

24) 12.8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“12.8 “Майда донали бетон қоришмаларини фақат мажбурий ҳаракатланадиган, даврий ва тўхтовсиз ишлайдиган бетон қориштиргичларда тайёрлаш лозим”;

25) 12.13-бандининг иккинчи хатбошида “ШНК 3.06.03-08” сўзлари чиқариб ташлансин;

26) 12.16 ва 2.17 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“12.16 Бетон қуюш учун қолиб анжомлар, текисланган асосни устига (чақиқ тошдан, шағалдан, ёки боғловчилар билан мустаҳкамланган грунтлардан), ҳар икки томонидан энига 0,5 m дан кам бўлмаган бетонланадиган тасмадан кенг бўлган ёки шунинг учун кенгайтирилган қопламанинг асосига ўрнатилади.

Бетон қоришмасини ётқизишдан аввал ўзгариши бор белгиларни бартараф қилиш лозим.

Бетон қуюш учун ишлатилган металл қолиб анжомлари, бетон қоришмасини ётқизиш ишлари тугагандан 24 соат ўтгандан кейин олишга рухсат этилади. Бетон қуюш учун ишлатилган металл қолиб анжомларини бетондан ажратишда, бетоннинг қирралари ва ён тарафларига зарар келтирмайдиган ускуналар ёрдамида олиш лозим.

12.17 Кўндаланг ва бўйланма деформация чокларида қўлланиладиган штирларни бетон қоришмаларни ётқизишдан аввал ёки бетон қоришмаларни ётқизиш жараёнида махсус табраниб ботирувчи жихоз ёрдамида ўрнатилади.

Кўп тасмали қоплама қурилишида ва зарур бўлганда ёнма-ён тасмаларни бирлаштиришда деформация чокларида қўлланиладиган штирлар янги қуюлган бетонни ён томонидан (уни қотишидан олдин) бетон ётқизгичнинг махсус жихози билан уни ётқизиш жараёнида, ёки бетон қотиб мустаҳкамлиги 10 МПа дан кам бўлмагандан сўнг, махсус асбоб ёрдамида бетонни пармалаб ўрнатилади”.

27) 12.24 ва 2.25 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.24 Икки қатламли бетон қопламаларини, иккита бетон ётқизувчилардан фойдаланиб қурилади. Икки қатламли бетон қопламаларини қуришда қоришмани бир маромда ётқизиш ишларини ташкил қилиш ва қуйма бетонни қалинлигини таъминлаш лозим”.

Пастки ва устки қатламни ётқизиш орасидаги вақт оралиғи қуйидагича бўлиши керак:

- ҳаво ҳарорати 5-20°C бўлганда 1с ошмаслиги;
- ҳаво ҳарорати 20 - 25C бўлганда 45 min ошмаслиги;
- ҳаво ҳарорати 25- 30C бўлганда 30 min ошмаслиги;

12.25 Бетонни парваришлаш ишларида парда ҳосил қилувчи материаллар қўлланилади, уларни бетон юзасига ҳаво ҳарорати 25°C гача бўлганда камида 400 g/m², ҳаво ҳарорати 25°C ва юқори бўлганда 600g/m², агар икки қатлам сепиладиган бўлса, сепиш оралиғи 25-30 min фарқ бўлиши керак”.

28) 12.26-бандининг учинчи хатбоши;

29) 12.32-бандда:

биринчи хатбошида “бетон мустаҳкамлиги ҳақида” сўзларидан сўнг вергуль қўйилсин;

иккинчи ва учинчи абзаслардаги “қоидага биноан” боғловчи сўзлари чиқариб ташлансин;

30) 12.35-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.35 Иш сменаси якунида ва ишда мажбурий тўхташлар бўлса кўндаланг ишчи чоклар ўрнатилади. Ишчи чоклар тўғри битта чизиқни ҳосил қилиши керак, у бўйланма ўқга перпендикуляр ва цементобетон қопламасини кенгаювчи ёки сиқилувчи чокига тўғри келиши керак.

Ишчи чоклар қўшимча металл қолиб ёки учбурчак-шаблон ёғочли қолиб ёрдамида ўрнатилади.

Қопламани ётқизиш, ишчи чок учун қўйилган қолип олингандан сўнг ва бетон плитани ён томонини суюқлаштирилган битум ёки парда ҳосил қилувчи материаллар билан ишлов берилгандан сўнг бошланади.

Агар шу ерда (лойиха бўйича) кенгайиш чоки ўрнатиш лозим бўлса, уни ишчи чокидан олдин битта плита оралиғида ёки ундан сўнг қуриш бошланганда бажарилади.

Ишчи чокларни қўйишда бетонни ётқазилган асосга штирларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш керак”.

31) 12.37-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.37 Чокнинг деворлари герметикани қўллаш бўйича йўриқнома асосида тайёрлаш (подгрунтовка) амалга оширилади.

Чоклардаги тирқишларни герметика билан тўлдиришдан олдин уни тайёрлашда (подгрунтовка) ишлатилган пленка қуриши лозим. Қўлланиладиган герметик материал ГОСТ 30740 талабига мос келиши керак.

Чоклардаги тирқишларга герметикани ортиқча қуйиб ботиқ мениск ҳосил қилмаслик керак”.

32) 12.39-бандининг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олинган ортиқча мастикани, чокларни тўлғазиш учун қайтадан қиздириб ишлатиш мумкин”.

33) 12.42-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Диаметри 8 см дан катта бўлган арматура сеткаларни лойихада кўрсатилган ҳолда, бетон ётқизишдан олдин асосга маҳкамлаб ўрнатилади”.

34) 12.37-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.43 Қопламани мустаҳкамлигини арматурали тўрни қўллаш билан ошириш учун дастлаб қурилган пастки қатламдаги бетон устига ётқизилади. Бетон қоришмасини ёйишни иккита бетон ётқизувчи билан бажарилади. Ҳажми катта бўлмаганда, битта ётқизгични қўлласа ҳам бўлади”.

35) 12.44 ва 12.54 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.44 Асос ва қопламани бикирли бетон қоришмасидан қуриш учун ётқазилганга қулай бўлган, ГОСТ 7473 бўйича бикирлиги Б-1дан Б-6 гача бўлган, С/Ц бўйича қоплама учун ГОСТ 26633 мос бўлган бетонлар қўлланилади.

12.45 Йўл тўшамасининг қатламларини бикирли бетон қоришмасидан қуриш учун ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган, ишлаб чиқариш ишлари бўйича лойиха асосида амалга оширилади.

12.46 Бетон қоришмасининг намлигини йўқалишини олдини олиш учун асосни намлаш лозим.

12.47 Бикирли қоришмалардан асосни катоклар ёрдамида зичлаш усули билан қуришда, бетон қоришмасини тақсимлаш ва зичлаш лойиҳада қабул қилинган бир қатлам асоснинг қалинлиги 20 см ва икки қатлам бўлса, асоснинг қалинлиги 20 см юқори бўлиши керак.

12.48 Асос қатламига ётқизиладиган бетон қоришмасини тақсимлаш, берилган баландликларнинг белгиларини (равонлик ва йўналиш) таъминлайдиган автоматик тизимли машина ёрдамида амалга оширилади:

- юқори самадорли бетон ётқизувчи комплект машинанинг, иш жараёнидаги ҳаракатланиш тезлиги, бетон ётқизувчининг бетон қоришмасини қулай ётқизилишига қараб белгиланади;

- гусеничали ҳаракатланувчи брусли бикирли турдаги универсал асфальтётқизгич билан. Сурилувчи телескопик брусли асфальтётқизгични тасманинг кенглиги 5 м дан катта бўлмаган холларда қўллашга рухсат этилади.

- текисловчи (профилировщик) ва бошқалар;

- баландлик белгиларни таъминлашни назорат қилиш билан асосга бетон қоришмасини автогрейдер ёрдамида ётқизишга рухсат этилади. Бир нечта тасмаларга бетон қоришмасини ётқизишда хоҳлаган тамон четига чегаравий элемент қўйилади:

- брус, қолиб. Чегаравий элемент бўлмаса, лойиҳада кўрсатилган кенликка нисбатан тасманинг ҳар томонидан 0,25 м ошиқ кенликга бетон қоришмаси ётқизилади.

- ва бошқалар.

Бетон қоришмаси ётқизилаётган ва зичлаштираётган жараёнда унга сув қўшиш рухсат этилмайди.

Бикирли бетон қоришмасини зичлаштириш катоклар отряди ёрдамида амалга оширилади.

Катоклар отрядининг таркиби ва уларни иш тартиби, синов шаклда зичлаштиришдаги оқимнинг ҳаракат тезлигини таъминлаш шароитидан ва талаб қилинган бетонни зичлигидан келиб чиқилади. Зичлаштириш бетон қоришмаси ётқазилган тасмани четидан бошланади.

12.49 Бикирли бетон қоришмасининг зичлиги зичлаштириш коэффициентини билан характерланади, у зичланган бетоннинг зичлигини зичланмаган бетон қоришмасининг зичлигига нисбати орқали аниқланади.

Бикирли бетон қоришмасининг зичлигини 0,98 дан кам бўлмаган ҳисобий зичликка етказиш лозим.

Ётқизилган бикирли бетон қоришмасининг тахминий зичланишнинг яқунланиш белгиси, унинг устидан оғир каток ўтганда из қолмаслиги ҳисобланади. Яқуний зичланиш лаборатория назорати натижаси бўйича аниқланади.

12.50 Янги ётқазилган бикирли бетонни парваришlashда парда ҳосил қилувчи материаллар, битум эмульсияси, унинг устига 2,0 см кам бўлмаган қалинликдаги кумни доимий равишда нам ҳолда сақлаш ва бошқалар.

12.51 Сиқилиш чоклари лойиҳага мос ҳолда бетон қотгандан сўнг кесилади.

Ишчи чоклар иш сменаси якунида тиргакли тузилма ёрдамида бетон ётқазилаётган кенглик ва қалинлик бўйича ўрнатилади.

Ишчи чоклар лойиҳа бўйича сиқилиш чокларини жойлашиш жойига тўғри келиши лозим, айрим вақтда у кенгайиш чоки ёки қайишмоқ чоки ўрнига ўрнатиш мумкин.

Иш сменаси якунида бетонни тутиб турадиган ҳолда қия қилиб қолдириш, уни кейинчалик чок қирқувчи билан кесиб ташлаш ва лойиҳа асосида барча кенглик ва қалинлик бўйича ишчи чокни ташкил этиш рухсат этилади.

12.52 Асос бетонли бўлса уни зичлаштиргандан ва устига ишлов берилгандан сўнг, уни қуришини кутмасдан асфальтобетон қатламини ётқазишга рухсат этилади. Бу ҳолда бетонни парваришлаш ишлари амалга оширилмайди.

12.53 Йўл ёқасини қуриш ишлари, бетонни мустаҳкамлиги лойиҳадагидан кам бўлмагандан сўнг амалга оширилади.

12.54 Қоришмани асосни текисловчи ёки бетон тақсимловчи билан ёйиш лозим. Универсаль асфальтётқизгич ёрдамида ёки автогрейдерни металл қолиб анжомлар билан биргаликда қўллаб, уни ётқазишга рухсат этилади. Металл қолиб анжомларини қўллашда лойиҳадиги кенгликка нисбатан ҳар томонидан 25cm ортиқ кенгликда бетон қоришмаси ётқизилиши шарт”.

36) 12.57-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

12.57 Йиғма қопламалар қуришда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- плита қирраларини тозалаш ва мойлаш;
- асоснинг юқори қатламни пардозлаш ёки асосни текисловчи қатламини

қуриш;

- плиталарни ўрнатиш ёки қайта ўрнатиш;
- уларни оғир катоклар билан зичлаш;
- туташтириш жойларини пайвандлаш ва чокларни тўлғазиш”.